

Мусофир кишининг Рамазон рўзаси қандай бўлади?

03:10 / 27.05.2017 5604

Савол:

Мусофир кишининг Рамазон рўзаси қандай бўлади? Шу ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз, илтимос. Агар танлаш имкони бўлса, қайси Рамазон рўзаси Аллоҳнинг ҳузурида ажри улуғроқ мусофир ҳолида адо этгани ёки ўз юртидами? Агар бу мусофирчилик АҚШда 5 ой давомда бўлсачи? Менинг фикри ожизимча Ўзбекистондаги Рамазони АҚШда топа олмасак керак, шу гумон мени кўп ўйлантиряпти менга қаерда бўлса ҳам Аллоҳ ҳузурида ажри улуғроғини танлашда ёрдам берсангиз олдиндан раҳмат!

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Ўн беш кундан оз муддат бир ерда туришни ният қилган одам мусофир бўлади.

Истаса рўза тутади, бўлмаса тутмайди. Сафардан қайтганда қазо тутади. Беш ой турган жойида рўзани тутиш фарздир.